

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ВА САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD30.08.2018.Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ХЎЖАМОВ ЖЎРАБЕК НАЙИМОВИЧ

**ТУРЛИ ЗОТ ВА ЗОТДОРЛИКДАГИ СИГИРЛАРНИНГ СУТ
МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**06.02.03 - Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини
ишлаб чиқариш технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД - 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Хўжамов Жўрабек Найимович

Турли зот ва зотдорликдаги сигирларнинг сут маҳсулдорлигини
ошириш йўллари3

Хўжамов Жўрабек Найимович

Пути повышения молочной продуктивности коров разных
пород и породности19

Khujamov Jurabek Nayimovich

Ways to improve dairy productivity of cows of
different breeds and breed35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works39

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ВА САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD30.08.2018.Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ХЎЖАМОВ ЖЎРАБЕК НАЙИМОВИЧ

**ТУРЛИ ЗОТ ВА ЗОТДОРЛИКДАГИ СИГИРЛАРНИНГ СУТ
МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**06.02.03 - Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини
ишлаб чиқариш технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД - 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx191 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.samqxi.uz. ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кахаров Абдусаттар

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шакиров Қахрамон Журабоевич

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Ҳайдаров Қаххор

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тақиқот институти

Диссертация ҳимояси Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тақиқот институти ва Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD30.08.2018 Qx.75.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47 уй. Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тақиқот институти мажлислар зали 2-қават, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkaraku130@mail.ru).

Диссертация билан Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тақиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47-уй, институт маъмурий биноси, 1-қават. Тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ кун тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.А.Бобоқулов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

А.Газиев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., катта илмий ходим

С.Ю.Юсупов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Қорамолчилик чорвачиликнинг етакчи тармоғи ҳисобланиб, аҳолини сифатли сут, гўшт каби озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Бугунги кунда дунё мамлакатларида 1000 дан ортиқ қорамол зотлари урчитилади. «...қорамолчилик тармоғи ривожланган Голландия, Исроил, Германия ва АҚШ давлатларида ҳар бир бош сигирдан йилига ўртача 8000-10000 кг дан ортиқ сут соғиб олинмоқда ва унинг таркибидаги ёғ кўрсаткичи 4,5-5,0% ни ташкил этади»¹. Соҳани янада барқарор ривожлантириш учун сигирларнинг сут маҳсулдорлигини, пуштдорлик хусусиятларини янада такомиллаштиришда сунъий уруғлантиришда маҳсулдорлиги бўйича юқори генетик потенциалга эга жаҳон генафондига ҳос зотларнинг яхшиловчи насл тоифасига эга насли буқалари уруғидан самарали фойдаланишга, ишлаб чиқаришда замонавий технологиялар талабларига мос келадиган сигирларни етиштиришга, уларга тўла қийматли озиқлантириш ва асраш шароитларини яратишга катта аҳамият қаратилмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказларида қимматли қорамоллар зотларининг генотипидан фойдаланиш асосида кўпчилик мамлакатларда урчитилувчи зотларнинг насл хусусиятларини ўрганиш асосида ундан фойдаланишнинг илмий асослари ҳамда илмий асосланган технологик ечимлар ишлаб чиқилмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Голштин зотининг Америка ва Канада селекциясидаги насли буқаларидан самарали фойдаланиш, натижада сигирларнинг ирсиятини мустаҳкамлаш, сут маҳсулдорлигини ошириш, сифатини яхшилашга эришилган. Кенг қамровли селекция ишларининг самарали ва режали равишда олиб борилиши натижасида янги зотлар ва зот типлари яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида сутдор қорамолчилик етакчи тармоқ бўлиб, етиштириладиган сутнинг деярли барчаси ва қорамол гўштининг 70 фоизга яқини унинг улушига тўғри келади. Сутдор қорамолчиликда урчитилиш учун режали ҳисобланган қорамол зотларининг маҳсулдорлик, наслдорлик, пуштдорлик ва бошқа хусусиятларини янада такомиллаштириш борасида жаҳон генафондига ҳос зотларнинг генотипидан самарали фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегияси»да қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотларига аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабини қондиришга алоҳида эътибор қаратилган². Бу муаммоларни самарали ҳал этишда мамлакат, бозорида гўшт, сут, тухум,

¹ <http://www.fao.org/docrep/018/i3300e.pdf>.

² Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

балиқ ва бошқа маҳсулотларни кўпайтириш бугунги кунда энг устивор вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли, 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-842-сонли ва 2015 йил 29 декабрдаги «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавжуд қорамол зотларининг наслдорлик ва маҳсулдорлик хусусиятларини голштин зотининг насли билан янада такомиллаштириш борасида хорижий олимлардан J.W.Harvev, S.Lorez, S.Mahmand, El-Tarabany, A.O.Rhoad, J.Findlay, O.B.Съчева, И.М.Дунин, Н.И.Стрекозов, Е.С.Воронин, Г.И.Крусъ, П.Прохоренко, Ф.Ф.Эйснер ва бошқалар томонидан махсус тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонда Ш.А.Акмалхонов, Э.Ю.Карчевский, У.Н.Носиров, М.Э.Аширов, Б.О.Абдалниязов, М.Х.Досмухаммедова, К.Ж.Шакиров, Н.Р.Рўзиев каби тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, голштин зоти сут маҳсулдорлиги бўйича қора-ола, қизил чўл ва симментал зотлари учун яхшиловчи зот ҳисобланди. Аммо, голштин зотли моллар турли селекцияга мансуб вакилларининг янги иқлим ва экологик шароитга мослашиш, экстерьер ва конституционал хусусиятлари, маҳсулдорлик ва наслдорлик кўрсаткичлари бир хил эмас. Шу нуқтаи назардан ҳар хил селекция кесимида сигирларнинг хўжалик фойдали белгиларини ўрганиш ва таҳлил қилиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва Ветеринария илмий-тадқиқот институтларининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 0194513 рақами билан рўйхатга олинган «Қорамолларнинг маҳсулдорлиги ва уни сифатини яхшилаш бўйича генетик потенциалидан фойдаланишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш», ҚХА-9-018-2015 «Турли биологик омилларнинг урғочи ҳайвонлар репродуктив фаолиятига

таъсирини ўрганиш, даволаш ва олдини олишнинг янги воситаларини яратиш» ва ҚХА-9-014-2015 «Хориждан келтирилган насли сизирларда елин ва туёқ чириши касалликларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, уларни олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини яратиш» мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотларнинг мақсади голштинлаштирилган қора-ола ва турли селекцияга мансуб бўлган Голштин зотининг насл ва маҳсулдорлик хусусиятларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазибалари:

тажриба гуруҳидаги сизирларнинг генетик келиб чиқишини аниқлаш;
голштинлаштирилган ва турли селекцияга мансуб голштин зотли сизирларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш;

генетик келиб чиқиши билан бир-биридан фарқ қилган сизирлар маҳсулдорлигини турли озиклантириш ва асраш шароитида ўрганиш;

турли генотибли сизирларнинг айрим биологик хусусиятларини ўрганиш;

тажриба гуруҳидаги сизирларнинг лактация давридаги (I ва II лактация) сут соғимини ва сутнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

тажрибадаги сизирларнинг истеъмол қилган озуқасини сут билан қоплаш ва сутдорлик хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қора-ола зотли сизирлар ва уларни АҚШ дан келтирилган ACE RED ва MALE лақабли голштин буқалар уруғи билан чатиштириш натижасида олинган биринчи ва иккинчи бўғин авлодлари ҳамда голландия, германия, польша селекциясига мансуб соф зотли голштин сизирлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети. Генетик келиб чиқиши турлича бўлган сизирларнинг ўсиш ва ривожланиши, сут маҳсулдорлиги, айрим биологик хусусиятлари, озиклантириш ва сақлаш шароитларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг тажриба қисмини бажаришда зоотехникавий (ўсиш ва ривожланиш, сут маҳсулдорлиги, лактациянинг кечиш хусусияти, сутдорлик коэффициенти, озуқалар сарфи), биологик (сервис даври, клиник ва гематологик кўрсаткичлар, иссиққа чидамлилиқ индекси, табиий резистентлик), статистик (ўртача арифметик кўрсаткич ва квадратик оғиш, ўзгарувчанлик коэффециенти, ўртача арифметик хато, ишончлилиқ даражаси) ва иқтисодий (қилинган бевосита ва билвосита харажатлар, 1 ц сутнинг таннархи ва харид нархи, олинган соф фойда, рентабеллик даражаси) усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор Самарқанд вилоятининг фермер хўжаликлари шароитида голштинлаштирилган қора-ола ва ҳар-хил селекцияга мансуб соф зотли голштин сизирларининг хўжалик-биологик хусусиятлари аниқланган;

хайвонларни илмий асосланган меъёрлар бўйича озиклантиришнинг ресурс тежамкор саноат усуллари такомиллаштирилган;

республиканинг иссиқ иқлим шароитида голштин зотининг Германия, Польша ва Голландия селекциясига мансуб бўлган сигирларининг сут маҳсулдорлиги қиёсий баҳоланган;

сут маҳсулдорлиги бўйича турли генотипли сигирларнинг генетик потенциалидан тўлиқ фойдаланиш йўллари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қорамолчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги шароитида қора-ола зотли голштинлаштирилган молларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари яхшиланган, сигирларни чатиштириш, озиклантириш ва сақлаш технологиялари такомиллаштирилган;

турли селекцияга мансуб голштин сигирларининг сермахсул гуруҳлари яратилган;

паратипик омиллар ва наслдор буқалар генотипига боғлиқ ҳолда сигирларнинг сермахсул подаларини яратиш усуллари ишлаб чиқилган;

турли селекцияга мансуб голштин сигирларини озиклантириш ва сақлаш шароити модернизация қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертация тадқиқотларида замонавий услуб ва воситаларидан фойдаланганлиги, Самарқанд ветеринария медицинаси институти апробация комиссияси томонидан илмий-тадқиқот ишлари ва бирламчи материалларига ижобий баҳо берилган. Олинган рақамли маълумотларнинг барчасига кичик танланмалар усулида статистик жиҳатдан ишлов берилган, жорий этиш тадбирлари далолатномалар билан асосланган, илмий ишлар натижалари ишлаб чиқаришга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ҳар хил генотипли голштинлаштирилган қора-ола зотининг сут маҳсулдорлиги оширилган, импорт йўли билан олиб келинган турли селекцияга мансуб бўлган голштин зотининг янги табиий-иқлим ва экологик шароитда иқлимланиши ва ташқи муҳит омилларига, озиклантириш ҳолатига боғлиқ ҳолда асосий селекцион белгилари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти генетик келиб чиқиши билан бир-биридан фарқланган сут йўналишидаги сигирларни парваришlash сақлаш жараёнларида инновацион технологиялар қўлланилган, (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 12 апрелдаги 02/17-494 рақамли маълумотномаси) ҳайвонлардан олинган маҳсулот сифатини яхшилаш ва сут ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини замон талаблари даражасига етказиш имкониятлари очиб берилганлиги билан изоҳланади

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Генетик келиб чиқиши билан фарқ қилган қорамолларни такомиллаштириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Голландия, Германия ва Польша давлатларидан олиб келинган голштин зотига мансуб сигирларнинг хўжалик фойдали белгилари, насл ва маҳсулдорлик хусусиятларини яхшилашнинг такомиллаштирилган технологиялари Тайлоқ тумани «Сиёб Шавкат Орзу» қорамолчилик фермер хўжалигининг «Элпок» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги биринчи фермасида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 12 апрелдаги 02/17-494-сон маълумотномаси). Натижада Голландия, Германия ва Польша селекциясига мансуб бўлган сигирлар сут маҳсулдорлиги қора-ола зотли I ва II бўғин авлодлар кўрсаткичларидан тегишлича 2,25; 1,79; 1,69 марта юқори бўлган, II лактацияда эса бу кўрсаткич мос равишда 2,09; 1,60; 1,49 мартани ташкил этган;

голштинлашган қора-ола генотибли сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ошириш, айрим биологик ва истеъмол қилинган озуқасини сут билан қоплаш бўйича ишлаб чиқилган технологиялар Тайлоқ тумани «Сиёб Шавкат Орзу» қорамолчилик фермер хўжалигининг «Деҳқонobod» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги иккинчи қорамолчилик фермасида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 12 апрелдаги 02/17-494-сонли маълумотномаси). Натижада ҳар бир бош сигирдан лактация давомида олинган соф фойда I лактацияда 52,3-4952,6 минг сўмни, рентабеллик даражаси 0,6-32,3 фоизни, II лактацияда эса 38,8-2986,5 минг сўмни ва 0,4-17,6 фоизни ташкил этган;

турли селекцияга мансуб голштин зотли сигирлар сутининг сифат кўрсаткичларини яхшилашнинг такомиллаштирилган технологияси Жомбой туманидаги «PUREMILKY PRODUCTS» қорамолчилик фермер хўжалигида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 12 апрелдаги 02/17-494-сонли маълумотномаси). Натижада I лактацияда сигирлар сути таркибидаги ёғ кўрсаткичи 0,13; 0,12; 0,09 фоизга ва оқсил кўрсаткичи 0,04; 0,03; 0,03 фоизга ошишига имкон яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари Тайлоқ туманидаги «Сиёб Шавкат Орзу» фермер хўжалигининг 1-ва 2-фермалари, Жомбой тумани «PUREMILKY PRODUCTS» фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш йиғилишларида (2015-2018 йил), республика қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази апробация комиссиясида (2016 йил), Самарқанд ветеринария медицинаси институти “Зооинженерия” факултетининг илмий ҳисобот конференцияларида (2015-2018 й) апробациядан ўтган. Илмий ишланмалар 2016-2018 йилларда республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида намойиш этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп қилинган. Шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ўтказилган халқаро ва республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламида 7 та мақола, республика ОАК

тасарруфидаги журналларда 3 та, шундан 1 таси хорижий нашрда, мақолалар чоп этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хусусий тадқиқотлар натижалари, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» бобида мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ишлари таҳлил қилиниб, голштин зотининг иқлимга-мослашиш ва айрим биологик хусусиятлари, маҳсулдорликка ирсий ва паратипик омилларнинг таъсирига доир илмий адабиётлар таҳлил қилинган. Кўплаб муаллифларнинг маълумотлари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларни ўтказиш манбаи ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг манзили объекти, схемаси ва услублари ёритилган.

Тадқиқот объекти қилиб, қора-ола зотли сигирлар (I-гурух) ва уларни голштин буқалари билан чатиштириш натижасида олинган биринчи (II-гурух) ва иккинчи (III-гурух) бўғин авлодлари ҳамда германия (IV-гурух), польша(V-гурух) ва голландия (VI-гурух) селекциясига мансуб соф зотли голштин сигирлари танланган.

Диссертациянинг «**Хусусий тадқиқотлар натижалари**» деб номланган учинчи бобида хусусий тадқиқотлар натижалари келтирилган, биринчи ва иккинчи жадвалларда келтирилган маълумотлар кўрсатишича барча гуруҳлардаги сигирларни озиқлантириш шароити бир хил бўлган.

Таъриба давомида ҳар иккала лактацияда ҳам VI-гурухга мансуб сигирлар I, II, III, IV ва V-гурухлардаги ўз тенгқур сигирлардан мутаносиб равишда 89,0; 81,7; 53,0; 12,8; 8,3 ва 101,8; 72,4; 49,6; 8,8; 9,5% кўп озуқа истемол қилишган.

Таъкидлаш лозимки, хўжалиқда йил давомида бир типли озиқлантириш тартиби жорий қилинган бўлиб, ундаги ширали, дағал ва айрим концентрат озуқалар хўжалиқнинг ўзида етиштирилган. Қуйидаги 1-жадвалда ҳар хил генотипли голштинлашган қора-ола сигирлар соф зотли, турли селекцияларга хос бўлган голштин зотига мансуб сигирлар учун сарфланган жами озуқалар рационининг таркиби берилган.

1-жадвал

Тажриба гуруҳларидаги сигирларга I лактация давомида қилинган озуқалар сарфи (ўртача 1 бошга)

Озуқалар ва уларнинг тўйимлилиги	Гуруҳлар					
	I	II	III	IV	V	VI
	озуқа бирлиги					
Беда пичани	268,4	268,4	268,4	536,8	536,8	536,8
Сомон	183,0	183,0	183,0	183,0	183,0	183,0
Пахта шелухаси	82,4	164,7	82,4	205,9	247,0	205,9
Сенаж	427,0	533,8	640,5	854,0	854,0	854,0
Силос	1586,0	1586,0	1830,0	2135,0	2135,0	2135,0
Лавлаги	518,5	570,3	622,2	725,9	725,9	725,9
Макка ёрмаси	1207,8	1409,1	1811,7	2415,6	2415,6	2415,6
Соя шроти	91,5	146,4	183,0	219,6	219,6	219,6
Кунгабоқар шроти	94,3	62,8	157,1	219,9	219,9	219,9
Буғдой ёрмаси	387,4	116,2	193,7	1549,4	1549,4	1665,6
Премикс	X	X	X	X	X	X
Озуқа бирлиги	4846,3	5040,7	5972,0	9045,1	9086,2	9161,3

Бу эса голштинлашган I ва II бўғин чатишма сигирлар кўрсаткичидан тегишли равишда 194,4 озуқа бирлиги ёки 4,0 фоиз ва 1225,7 озуқа бирлиги ёки 23,2 фоиз камдир. Бу кўрсаткич бўйича II III тажриба гуруҳларининг фарқи III гуруҳ фойдасига 931,3кг ёки 18,4 фоизга тенг.

2-жадвал

Тажриба гуруҳларидаги сигирларга II лактация давомида қилинган озуқалар сарфи (ўртача 1 бошга)

Озуқалар ва уларнинг тўйимлилиги	Гуруҳлар					
	I	II	III	IV	V	VI
	озуқа бирлиги					
Беда пичани	268,4	268,4	402,6	536,8	536,8	671,0
Сомон	183,0	183,0	183,0	183,0	183,0	183,0
Пахта шелухаси	164,7	164,7	164,7	205,9	205,9	205,9
Сенаж	533,7	533,8	640,5	854,0	854,0	854,0
Силос	1586,0	1586,0	1708,0	2196,0	2135,0	2257,0
Лавлаги	518,5	518,5	570,4	725,9	725,9	725,9
Макка ёрмаси	1409,1	1409,1	1409,1	2214,3	2214,3	2415,6
Соя шроти	146,4	146,4	109,8	183,0	183,0	183,0
Кунгабоқар шроти	62,8	62,8	188,5	219,9	219,9	251,3
Буғдой ёрмаси	116,2	968,4	1355,7	1936,7	1936,7	2324,1
Премикс	X	X	X	X	X	X
Озуқа бирлиги	4988,8	5841,1	6732,3	9255,5	9194,5	10070,8

Жадвал кўрсаткичлари шундан далолат берадики, барча тажриба гуруҳларидаги сигирлар I лактация давомида II лактацияга нисбатан шунга мутаносиб равишда 142,5 озуқа бирлиги ёки 2,9 фоиз, 800,4 озуқа бирлиги ёки 15,9 фоиз, 760,3 озуқа бирлиги ёки 12,7 фоиз, 210 озуқа бирлиги ёки 2,3 фоиз, 108,3 озуқа бирлиги ёки 1,2 фоиз, 909,5 озуқа бирлиги ёки 10,0 фоиз кам озуқа истеъмол қилишган. Бу II лактация давомида маҳсулдор сигирларга хос бўлган кўрсаткичлардир.

Лактация давомида истеъмол қилинган озуқаларнинг умумий тўйимлилиги бўйича энг кам кўрсаткич, I-тажриба гуруҳидаги соф зотли қора-ола сигирларда кузатилган бўлиб, 4846,3 озуқа бирлигига тенг бўлган.

Соф зотли ва голштинлаштирилган ҳар хил генотипли қора-ола зотли сигирлар истеъмол қилган озуқасининг таҳлили соф зотлига қараганда ҳар хил генотипли чатишма авлодлар 852,3 озуқа бирлигини ёки 17,1 фоиз, 1743,5 озуқа бирлиги ёки 34,9 фоиз кам озуқа истеъмол қилишганлигини кўрсатди.

Тажриба гуруҳларидаги сигирларни озуқа истеъмоли бўйича солиштирганда, VI-тажриба гуруҳидаги голландия селекциясига хос сигирларнинг IуваV гуруҳидаги тенқур сигирларга нисбатан мос равишда 815,3 озуқа бирлиги ёки 8,8 фоиз, 876,3 озуқа бирлиги ёки 9,5 фоиз озуқа бирлигини кўп истеъмол қилганлигини кўрсатди.

3-жадвал


Тажрибадаги сигирларнинг I лактациядаги сут маҳсулдорлиги (n=15)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I	II	III	IV	V	VI
	X±S _x					
Тирик вазни, кг	446,6 ±5,1	471,4±8,5	521,9±6,9	563,0± 13,3	651,9±16,5	716,0±12,1
Сут соғими, кг	4024,7±45,1	4989,0±80,6	5717,1±152	9046,8±119,0	8937,9±137,5	9637,9±194,6
Сутнинг ёғлилиги даражаси, %	3,82±0,006	3,84±0,007	3,89±0,007	3,95±0,008	3,96±0,008	3,98±0,008
Сутнинг оксил кўрсаткичи, %	3,33±0,006	3,34±0,005	3,35±0,0045	3,37±0,005	3,37±0,005	3,38±0,003
4% ли сут миқдори	3843,9±45,8	4789,8±79,6	5560,0±148,4	8933,5±118,8	8847,1±134,8	9588,6±190,6
Сут ёғи чиқими, кг	153,8±1,8	191,6±3,2	222,4±5,6	357,3±4,7	353,9±5,4	383,5±7,6
Сут оксиди чиқими, кг	134,0±1,4	166,6±2,7	191,5±5,1	304,9±4,2	301,2±4,5	325,8±8,3
Қуруқ модда	12,4	12,3	12,3	12,4	12,3	12,3
Ёғсизлантирилган қуруқ сут қолдиғи (ЁҚСК)%	8,6	8,5	8,4	8,4	8,4	8,3

Диссертациянинг «**Ҳар хил зот ва зотдорликдаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги**» деб номланган тўртинчи бобида германия, польша ва голландия селекциясига мансуб соф зотли голштин сигирлар соф зотли ва ҳар хил генотипли голштинлаштирилган қора-ола тенгқурларига нисбатан юқори сут маҳсулдорлигига эга эканлигини кўрсатган. (3-жадвал)

Жадвал таҳлили шундан далолат берадики, биринчи лактацияда 1-гуруҳдаги сигирлар лактация мобайнида ўртача 4024,7 кг сут беришган, бу эса ўз тенгқурлари, II, III, IV, V ва VI тажриба гуруҳидаги сигирлар кўрсаткичидан мутаносиб равишда 964,3 кг ($P<0,01$) ёки 25,0 фоиз, 1692,4 кг ($P<0,01$) ёки 42,1%, 5022,1 кг ($P<0,001$) ёки 124,9 %, 4913,2 кг ($P<0,001$) ёки 122,1 % ва 5613,2 кг ($P<0,001$) ёки 139,5 % камдир.

Энг кўп сут соғими голландия селекциясига мансуб сигирларда бўлиб, 9637,9 кг ни ташкил этади. Иккинчи лактацияда ҳам сут маҳсулдорлиги бўйича гуруҳлараро фарқни кузатиш мумкин. Голландия селекциясига мансуб бўлган сигирлар 10092,7 кг сут бериб ўз тенгқурларига нисбатан тегишлича: 123,3; 74,1; 48,6; 6,9; 8,6% устунликка эришишган.



1-расм. Тажриба гуруҳларида I лактациядаги сигирларнинг лактация эгри чизигини ўзгариши

Сут оқсил чиқими бўйича ҳам, VI тажриба гуруҳидаги сигирлар, ўз тенгқурлари, I, II, III, IV ва V гуруҳлардаги сигирларга нисбатан тегишлича 191,8 кг ($P<0,01$) ёки 143,1 фоиз, 159,2 кг ($P<0,01$) ёки 95,6 фоиз, 134,3 кг ($P<0,01$) ёки 70,1 фоиз, 20,9 кг ($P<0,05$) ёки 6,9 фоиз ва 24,6 кг ($P<0,05$) ёки 8,2 фоиз юқори кўрсаткичга эришишган.


Сутнинг сифатини ифодалайдиган асосий кўрсаткичлардан бири, сут ёғи ва сут оқсили чиқимидир. Бу кўрсаткич бўйича ҳам голландия селекциясига мансуб голштин сигирлари ўз тенгқурлари, I, II, III, IV ва V тажриба гуруҳидаги сигирларни мос равишда 229,7 кг. ($P<0,01$) ёки 149,3 %, 191,9 кг ($P<0,01$) ёки 100,1 %, 161,1 ($P<0,01$) ёки 72,4%, 26,2 кг ($P<0,05$) ёки 7,% ва 29,6 кг ($P<0,05$) ёки 8,4 % ва 191,8 кг ($P<0,01$) ёки 143,1 %, 159,2 кг ($P<0,01$) ёки 95,6 %, 134,3 кг ($P<0,01$) ёки 70,1 %, 20,9 кг ($P<0,05$) ёки 6,9 % ва 24,6 кг

($P < 0,05$) ёки 8,2 % ортда қолдиришган. Худди шундай фарқ, II лактацияда ҳам аниқланган.

4-жадвал

Тажрибадаги сигирларининг II лактациядаги сут маҳсулдорлиги.(n=15)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I	II	III	IV	V	VI
	$X \pm S_x$	$X \pm S_x$	$X \pm S_x$	$X \pm S_x$	$X \pm S_x$	$X \pm S_x$
Тирик вазни кг	481,8±7.4	518,3±9,1	569,4±4.8	613,7±11,3	704,7±15.3	763,2±12,4
Сут соғими, кг	4519,2±138,4	5794,3±62,0	6788,9±112.3	9435,3±161	9288,4±183	10092,7±241,5
Сутнинг ёғлилик даражаси, %	3,83±0,008	3,85±0,005	3,90±0,009	3,97±0,008	3,96±0,008	4,00±0,003
Сутнинг оксил кўрсаткичи, %	3,35±0,0045	3,36±0,006	3,37±0,0045	3,38±0,005	3,37±0,005	3,39±0,003
4% ли сут миқдори,	4326,2±130,4	5576,7±58,4	6620,3±116,0	9366,0±167,9	9193,9±175,8	10092,9±242,7
Сут ёғи чиқими кг.	173,1±5,2	223,1±2,3	264,8±4,6	376,1±7,4	367,8±7,0	403,7±9,7
Сут оксили чиқими, кг	151,4±4,6	194,7±2.0	228,8±3,8	318,9±5,5	313,0±6,1	342,2±8,3
Қуруқ модда	12,9	12,8	12,8	12,70	12,5	12,3
Ёғсизланган қуруқ сут қолдиғи (ЁҚСҚ)%	8,9	8,8	8,9	8,8	8,6	8,5



2-расм. Тажриба гуруҳларидаги сигирларининг II лактациясида лактация эгри чизиғини ўзгариши

Аниқланганки соғин сигирларнинг генетик келиб чиқиши, ёши ва озиклантириш шароитидан қатъий назар, улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишда ҳар 100 кг тирик вазнга тўғри келадиган сут маҳсулотини



3-расм Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг I лактациядаги сутдорлик коэффициенти гуруҳлар бўйича ўзгариши

билиш муҳим аҳамият касб этиши асосланган. Ушбу кўрсаткич бўйича 5-жадвал маълумотларидан шу нарса аниқки, тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги юқори даражада бўлганлиги учун уларнинг сутдорлик коэффициенти кўрсаткичлари ҳам яхши бўлган ва сезиларли даражада гуруҳлараро фарқ кузатилган.



4-расм Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг II лактациядаги сутдорлик коэффициенти гуруҳлар бўйича ўзгариши

Сутдорлик коэффициенти бўйича энг юқори кўрсаткич, IV тажриба гуруҳидаги германия селекциясига мансуб сигирларда кузатилган ва 1607,0 кг га тенг бўлган, улар бу кўрсаткичи бўйича ўз тенгқурлари, V ва VI тажриба гуруҳларидаги польша ва голландия селекциясига мансуб сигирларни шунга мувофиқ равишда: 236 кг ($P < 0,001$) ёки 17,5 % ва 261 кг ($P < 0,001$) ёки 19,4 % ортда қолдирган.

Тажрибадаги сигирларнинг сутдорлик коэффициенти ($X \pm S_x$)

Гуруҳлар	I – Лактация (n=15)			II Лактация (n=15)		
	Сигирларнинг тирик вазни, кг	Лактациядаги ҳақиқий сут миқдори, кг	Сутдорлик коэффициенти, кг	Сигирларнинг тирик вазни, кг	Лактациядаги ҳақиқий сут миқдори, кг	Сутдорлик коэффициенти, кг
I	446,6±5,1	4024,7±45,1	901,1±0,55	481,8±7,4	4519,2±238,4	938,0±0,62
II	471,4±8,5	4989,0±80,6	1058,3±0,28	518,3±9,1	5794,3±62,0	1118,0±0,35
III	521,9±6,9	5717,1±152,0	1095,4±0,60	569,4±4,8	6788,9±112,3	1192,2±0,61
IV	563,0±13,3	9046,8±119,0	1607,0±0,51	613,7±11,3	9435,3±161	1537,4±0,46
V	651,9±16,5	8937,9±137,5	1371,0±0,55	704,7±15,3	9288,4±183	1318,0±0,34
VI	716,0±12,1	9637,9±194,6	1346,0±0,47	763,2±12,4	10092,7±241,5	1322,3±0,57

II лактацияда бу фарқ мос равишда 599,4 кг ($P < 0,001$) ёки 63,9 %, 419,4 кг ($P < 0,001$) ёки 37,5 %, 345,2 кг ($P < 0,01$) ёки 29,0 %, 219,4 кг ($P < 0,001$) ёки 16,6 % ва 215,5 кг ($P < 0,01$) ёки 16,3 % га тенг бўлган.

Шундай қилиб, турли хил генетик келиб чиқишига эга бўлган сигирлар сутдорлик коэффициенти бўйича соф зотли германия, голландия, польша селекциясига хос бўлган сигирлар, соф зотли қора-ола ва уларнинг турли генотипдаги чатишма авлодларидан устунлик қилишган.

Диссертациянинг «**Ҳар хил селекцияга мансуб сигирларнинг айрим биологик хусусиятлари**» номли бешинчи бобида ҳайвонлар организмнинг табиий резистентлигига уларнинг генотиби таъсир кўрсатганлиги аниқланиб, бунда индикатор сифатида интерьер кўрсаткичлар муҳим рол ўйнаган.

Ҳайвонлар организмни янги табиий иқлим шароитида мослашиш ва резистентлиги тўғрисида фикр юритиш учун уларнинг гематологик кўрсаткичларини ўрганиш ва унга тавсиф бериш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун тадқиқотларда ушбу масалаларни ўрганиш, натижасида хулоса қилиш мумкинки, генетик келиб чиқиши билан фарқланган сигирлар қонининг таркибидаги шакли элементлар деярли физиологик меъёр даражасида бўлган ва бу кўрсаткич бўйича гуруҳлараро тафовут сезиларли даражада эмас. Бироқ, соф зотли ва голштинлашган қора-ола сигирларига қараганда турли селекцияга мансуб соф зотли голштин зотли сигирлар қонининг морфологик таркиби юқори даражада бўлган.

Бундан ташқари йил фасллари кесимида ҳам бу кўрсаткич бўйича сезиларли даражада фарқ кузатилган. Хусусан, тажриба гуруҳларидаги барча сигирлар қонида қиш фаслига нисбатан ёз фаслида шунга мутаносиб равишда 6,6; 7,1; 7,9; 8,9; 9,5; 7,6 фоиз эритроцитлар 6,1; 5,2; 2,3; 2,5; 3,0; 3,1 фоиз, лейкоцитлар 2,1; 3,1; 3,5; 2,3; 2,2; 3,2 фоиз гемоглабин кўп бўлган.

Умуман олганда, қоннинг керакли элементлар билан тўйинганлиги ҳайвонларни янги экологик шароитга мослашиш жараёнига ва маҳсулдорлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатган.

ХУЛОСАЛАР

1. Тажриба гуруҳидаги сигирларнинг I ва II лактацияси даврида озиклантириш шароити бир хил бўлган. Йилнинг фасллари кесимида хўжаликнинг ўзида етиштирилган озуқалардан тузилган рацион асосида озиклантирилган биринчи гуруҳ сигирларининг I лактациясида тажриба давомида сарфланган озуқа миқдори 4846,3 кг озуқа бирлигига тенг бўлган. Бу эса голштинлашган биринчи ва иккинчи бўғин сигирлар кўрсаткичидан тегишли равишда 194,4 ва 1225,7 озиқа бирлигига камдир. Соф зотли турли селекцияга мансуб голштин сигирларида энг кўп озуқаларни VI-тажриба гуруҳидаги сигирлар истемол қилган бўлиб, 9161,3 озуқа бирлигини ташкил қилган. Бу эса ўз тенгқурлари IV ва V тажриба гуруҳларидаги сигирларидан тегишлича 116,2 ва 75,1 озуқа бирлигига кўпдир. II лактация давомида ҳам худди шундай фарқ аниқланган.

2. Ўсиш ва ривожланиш бўйича генетик келиб чиқиши билан бири-биридан фарқланган I ва II лактациядаги сигирлар турли кўрсаткичларга эришган. Сунъий уруғлантиришдан олдин голландия селекциясига мансуб сигирлар тирик вазни бўйича устунлик қилиб 470,7 кг га тенг бўлган. Бу эса ўз тенгқурлари I, II, III, IV, V тажриба гуруҳ сигирларидан мутаносиб равишда 84,0 кг ($P<0,01$), 61,3 кг ($P<0,01$), 58,3 кг ($P<0,01$), 45,2 кг ($P<0,05$), 49,7 кг ($P<0,05$), кўпдир. Биринчи лактацияда VI- гуруҳдаги сигирларнинг тирик вазни 763,2 кг.га тенг бўлиб, ўз тенгқурлари I, II, III, IV, V тажриба гуруҳларидаги сигирларни тегишлича 281,4 кг ($P<0,001$), 244,9 кг ($P<0,001$), 193,8 кг ($P<0,001$), 149,5 кг ($P<0,01$), 58,5 кг ($P<0,01$) ортда қолдирган. II лактацияда ҳам тирик вазн бўйича ишонарли даражада гуруҳлараро фарқ аниқланган.

3. Барча гуруҳларидаги сигирлар танаси мутоносиб тузилишга, баландлиги ва энига юқори кўрсаткичга эга бўлиб, кўкрак қафаси билан боғлиқ бўлган ўлчамларнинг катталигини кўрсатди. Бу эса уларнинг сут йўналиши хилига мансуб бўлганлигидан далолат беради. Бунда голландия селекциясига мансуб бўлган сигирлар ўз тенгқурларига нисбатан ижобий кўрсаткичларга эришган.

4. Зот ва зотдорлигидан қатъий назар барча гуруҳларидаги сигирлар елинининг узунлиги, айланаси, олдинги ва орқа қисимлар чуқурлиги, елин индекси, сўрғичлар узунлиги ва диаметри талаб даражасида бўлган. Барча сигирлар елинининг морфофункционал кўрсаткичлари, уларни машина соғимига яроқлилигидан далолат берган.

5. Турли селекцияга мансуб соф зотли голштин сигирлари ҳар иккала лактацияда ҳам соф зотли ва ҳар хил генотипли голштинлашган қора-ола тенгқурларига нисбатан юқори сут маҳсулдорлигига эга бўлган. Биринчи тажриба гуруҳидаги сигирлар I лактация мобайнида ўртача 4024,7 кг сут беришган бу эса ўз тенгқурлари II, III, IV, V ва VI тажриба гуруҳларидаги сигирлар кўрсаткичидан мутаносиб равишда 964,3 кг ($P<0,01$), 1692,4 кг ($P<0,01$), 5022,1 кг ($P<0,001$), 4913,2 кг ($P<0,001$) ва 5613,2 кг ($P<0,001$) камдир. Иккинчи лактацияда ҳам сут соғими бўйича турли селекцияга мансуб соф зотли голштин сигирлари устунлик қилган.

6. Лактациянинг кечиши гуруҳлар бўйича ҳар хил бўлган. Соғин

даврининг доимийлик коэффициенти лактациянинг II - III ойларида 162,5; 148,8; 141,9 ва 122,4; 115,9; 105,6 га тенг бўлган IV, V, VI тажриба гуруҳидаги сигирларда эса мутоносиб равшда 128,0; 124,9; 121,9 ва 106,4; 103,8; 108,9 ни ташкил қилган.

Тажриба гуруҳларидаги сигирларда, II лактациянинг кечиш хусусияти ҳам худди I лактациядагидек бўлган. Аммо, бунда ўрганилган кўрсаткичлар бироз юқори даражада бўлиши кузатилган.

7. Сутдорлик коэффициенти, I лактациядаги I-гуруҳ сигирларида 901,1 кг ни ташкил қилиб, бу кўрсаткич бўйича II, III, IV V ва VI-тажриба гуруҳларидаги тенгқурлари тегишлича 157,2 кг ($P<0,001$), 194,3 кг ($P<0,001$), 705,9 кг ($P<0,001$), 469,9 кг ($P<0,001$) ва 444,9 кг ($P<0,001$) устунлик кўрсаткичга эга бўлган. Сутдорлик коэффициенти бўйича энг юқори кўрсаткич IV тажриба гуруҳидаги германия селекциясига мансуб сигирларда кузатилган ва 1607,0 кг га тенг бўлган. Улар бу кўрсаткич бўйича V ва VI тажриба гуруҳларидаги тенгқур сигирларни мос равишда 236 кг ($P<0,001$) ёки 17,5 % ва 261 кг ($P<0,001$) ёки 19,4 % ортда қолдирган.

8. Тажрибадаги сигирларнинг истемол қилган озуқасини сут маҳсулоти билан қоплаш хусусияти, уларнинг генетик келиб чиқиш ҳолати бўйича турлича бўлган. Биринчи лактацияда 1 кг табиий ёғлиликдаги сутга 0,95-1,20 озиқа бирлиги сарфланган бўлса, бу кўрсаткич II лактацияда 0,98-1,10 озиқа бирлиги оралиғида бўлган.

9. Йил фасллари кесимида тажрибадаги сигирларнинг клиник ва гематологик кўрсаткичлари асосан физиологик меъёр даражасида бўлган. Аммо, ёз фаслида бошқа фаслларга нисбатан клиник кўрсаткичлари бироз жадаллашган. Айнан шу фаслда сигирларнинг қонидаги эритроцитлар, лейкоцитлар, ва гемоглобин миқдори ҳам юқори бўлиб, ҳайвонлар организмида ёз ойларида модда алмашнув жараёнлари юқори даражада кечганлигидан ва улар иссиқ иқлим шароитга яхши мослашганлигидан далолат берган.

10. Тажриба гуруҳидаги сигирларда туққанидан кийин биринчи қочиришдан оталаниш даражаси ҳар-хил бўлган. Бу эса уларнинг сервис даври ва туғишлар оралиғидаги даврни қисқартиришни таъминлаган ҳамда барча гуруҳдаги сигирлар яхши даражадаги пуштдорлик хусусиятига эга эканлигини кўрсатган.

11. Иқтисодий кўрсаткичлар бўйича олинган натижалар шуни кўрсатганки, VI тажриба гуруҳидаги сигирларнинг бир бошига қилинган харажат 15310,7 минг сўмни ташкил қилган, ёки улар ўз тенгқурлари, I, II, III, IV, V-тажриба гуруҳларидаги сигирларга нисбатан мутоносиб равшда 7211,4, 6886,5; 5330,2; 194,6; 125,5; минг сўм кўп харажат талаб қилишган. Тажрибанинг рентабллик даражаси гуруҳлар бўйича I лактацияда 0,6; 20,4; 17,9; 24,9; 23,2; 32,3 ва II-лактацияда 0,4; 10,4; 13,6; 16,8; 17,6; 15,7 фоизни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD30.08.2018. Qx.75.01 ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ КАРАКУЛЕВОДСТВА И
ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ И САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ

ХУЖАМОВ ЖУРАБЕК НАЙИМОВИЧ

**ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ МОЛОЧНОЙ ПРОДУКТИВНОСТИ КОРОВ
РАЗЛИЧНЫХ ПОРОД И ПОРОДНОСТИ**

**06.02.03 - Частная зоотехния. Технология производства
продуктов животноводства**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

САМАРКАНД – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/Qx191.

Диссертация выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины
Автореферат на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме) размещен на веб-странице по адресу www.samqxi.uz и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Кахаров Абдусаттар доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Шакиров Кахрамон Журабоевич доктор сельскохозяйственных наук Хайдаров Каххор кандидат сельскохозяйственных наук, доцент
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт животноводства и птицеводства

Защита диссертации состоится « ___ » _____ 2019 года в ___ часов на заседании Научного совета PhD 30.08.2018. Qx.75.01 по присуждению ученой степени доктора философии при Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь и Самаркандском институте ветеринарной медицины. (Адрес: 140154, Самарканд, ул. М. Улугбека 47. Научно-исследовательский институт каракулеводства и экологии пустынь, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru, административное здание Научно-исследовательского института каракулеводства и экологии пустынь, 2-этаж).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре научно-исследовательского института каракулеводства и экологии пустынь (зарегистрировано за номером № ___). Адрес: 140154, Самарканд, ул. М. Улугбека, 47. Административное здание института, 1-этаж, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81).

Автореферат диссертации разослан « ___ » _____ 2019 года.

(Реестр протокола рассылки № ___ от « ___ » _____ 2019 года)


Н.А.Бобокулов
Председатель Научного совета по
присуждению ученой степени, д.с.х.н.,
профессор


А.Газиев
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученой степени, к.с.х.н., с.н.с.


С.Ю.Юсупов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученой
степени, д.с.х.н., профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Скотоводство является одним из ведущих отраслей животноводства, играющей важную роль в обеспечении населения качественными молочными и мясными продуктами питания. На сегодняшний день в мире разводят более 1000 пород коров. В странах с развитым животноводством, как Голландия, Израиль, Германия и США от одной коровы в год надаивают более 8000-10000 кг молока с показателем жирности 4,5-5,0%¹. Для более стабильного развития отрасли, усовершенствования молочной продуктивности и плодовитости коров большое внимание уделяется эффективному использованию при искусственном осеменении семени племенных быков, относящихся по продуктивным качествам к категории улучшателей породы мирового генофонда с высоким генетическим потенциалом, выращиванию коров, отвечающих требованиям современных технологий, созданию условий для полноценного кормления и содержания.

На основе изучения и использования генотипа ценных пород мирового генофонда во многих научных центрах мира разработаны и усовершенствованы научные основы, а также научно-обоснованные решения повышения племенных свойств коров местных пород. Эффективное использование племенных быков Гольштинской породы Америки и Канады в селекции, привело к укреплению наследственности, повышению и улучшению качества молочной продуктивности. В результате проведения эффективных и плановых широкомасштабных селекционных работ были созданы новые породы и породные типы.

В Республике Узбекистан молочное скотоводство является передовой отраслью, почти вся доля производимого молока и 70% производимого в стране мяса приходится на его долю. В молочном скотоводстве считается важным эффективно использовать генотип мирового генофонда пород для еще более усовершенствования плодовитости, продуктивных, племенных и других свойств пород скота, введенных в плановое разведение. В «Стратегии действий развития Узбекистана на 2017-2021 годы по пяти приоритетным направлениям уделяется особое внимание развитию производства в сельском хозяйстве, укреплению продовольственной безопасности, увеличению производства экологически чистых продуктов, интенсивному развитию животноводства и удовлетворению возрастающего спроса населения на продуктами животноводства»². Эффективное решение этих проблем, увеличение объемов производства мяса, молока, яиц, рыбы и другой продукции является на сегодняшний день одной из приоритетных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан от 23 марта 2006 года ПП-308 «О мерах по

¹ <http://www.fao.org/docrep/018/i3300e.pdf>.

² ПФ-4947 от 07 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

